ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1095-1099

ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

О. М. Жабборова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўқитишнинг кредит-модуль тизимида ўқув фанларини танлаш тамойиллари таҳлил этилган ва тавсиялар тақдим қилинган.

Калит сўзлар: олий, таълим, ўқитиш, кредит, модуль, тизим, фан, танлов, тамойил, талаба,ўқитувчи.

PRINCIPLES OF SELECTION OF DISCIPLINES IN THE CREDIT-MODULE SYSTEM OF TEACHING

ABSTRACT

The article analyzes the principles of selection of subjects in the credit-module system of education and provides recommendations.

Keywords: higher, education, teaching, credit, module, system, science, choice, principle, student, teacher.

КИРИШ

Ўзбекистон олий таълим тизими ўқитишнинг ECTS кредит-модуль тизимига ўтиши муносабати билан педагогик таълимнинг мазмуни ўзгармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”да мамлакатнинг олий таълим муассасалари 2030 йилга қадар 85 фоизи кредит-модуль тизимига ўтиши керак[1]. Бугунги кунда мамлакатнинг 34 олий таълим муассасаси ўқитишнинг мазкур тизимига асосан фаолият олиб бормоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1095-1099

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, мазкур ўқитиш тизимида ўқув фанлари мажбурий ва танлов фанларига бўлинган[2]. Муаммо шундаки, фанларни талаба танлайди.Шу сабабли, талабаларнинг ўқув фанларини танлаш тамойилларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди. Бу борада бизнинг ёндашувимиз қуйидагича:

Биринчи тамойил: Тайёрлаш. Мазкур тамойилга кўра, профессор-ўқитувчилар томонидан мажбурий ва танлов фанлари блок тарзда тайёрланади. Ўқув фанлари бўйича тайёрланган материаллар мавзулар тавсифи, амалий машғулотлар тартиби ва мустақил таълим шаклларида тайёрланади. Шу сабабли профессор-ўқитувчилар мажбурий ва танлов фанларининг ўқув материалларини тайёрлашда қуйидагиларга амал қилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўқув материалларини тайёрлашда бутунлай янги маълумотларга асосланиш;
- мавзулар тавсифини қисқа, амалий машғулотлар ва мустақил таълим топшириқларини кенгроқ тарзда тайёрлаши;
- тайёрланган материалларнинг талабалар томоиндан фаол ишлашга йўналтирилган бўлиши;
- умуман тайёрланган материал асосида талаба ўқув фани тўғрисида аниқ ва кутилган даражада тасаввурга эга бўлиши керак.

Эътибор берилса, профессор-ўқитувчилар ўқув материалларини қандай тайёрласа ўқув фанлари тўғрисида шундай тасаввур ҳосил бўлади. Бунда айниқса, мажбурий фанларнинг асосларини кенгроқ кўрсатиш шарт ва танлов фанларини тавсифини кенг тарзда бериш самарали ҳисобланади.

Иккинчи тамойил: Ўрганиш. Таъкидлаб ўтилган Низомга кўра, талаба ўқув йилининг бошида бир ҳафта давомида ўзлаштириши лозим бўлган мажбурий ва танлов ўқув фанларини танлаши керак. Бунинг учун талаба мажбурий фанларнинг асосларини ва танлов фанларининг тавсифини жиддий тушуниб олиши лозим.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1095-1099

Талабанинг мажбурий ва ўқув фанларини танлашдаги энг яқин маслахатчиси фанлар бўйича масъул ҳисобланган профессор-ўқитувчилар ҳисобланади. Шу сабабли профессор-ўқитувчилар вертуал тарзда талабалар билан мунтазам алоқада бўлиши, уларнинг ҳар бир саволларига аниқ ва тўғри жавоб бериши ҳамда талабаларга методик тавсиялар бериши керак. Шу сабабли ўқув йилининг бошида талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўқув фанларини танлаш борасидаги хамкорлиги предметнинг тақдирига дахлдор масала ҳисобланади. Мисол учун, бўлажак педагоглар учун педагогик туркумдаги барча фанларни ўзлаштириши мажбурий ҳисобланади. Бироқ талаба уларни кетма-кетликда танлаш тажрибасига эга эмас. Шу сабабли бу борада профессор-ўқитувчиларнинг тавсиялари муҳим ўрин тутади.

Мажбурий ва танлов фанларини танлаш жараёни айниқса 1 курс талабаларида мураккаб кечади. Шу сабабли бу масалада курс мураббийлари фаол бўлиши керак.

Учинчи тамойил: Ўзлаштириш. Талаба мажбурий ва танлов фанларини ўқув йили давомида кредит тўплаш билан ўзлаштиради. Бироқ талабанинг ўзлаштириш жараёнини кузатиш ва аниқлаш мураккаб кечади. Бунда агар ўқув фанлари кетма-кетликда ва кутилган талабалар даражасида танланган бўлса, талабанинг ўзлаштириши енгил кечади. Бунинг учун мажбурий ва ўқув фанларини танлаш жараёнида албатта методик тавсияларга амал қилиш лозим.

Ўқитишнинг кредит-модул тизимида ўқув фанларини ўзлаштириш жараёнининг нисбатан кўп фоизи талабанинг зиммасига тушади. Шу сабабли у ўқув фани маҳсули ҳисобланган профессор-ўқитувчи билан мутназам алоқада бўлиши шарт. Айни пайтда, профессор-ўқитувчилар талабаланинг ўзлаштириш жараёнини кучайтириш учун қўшимча маълумотларни бериб бориш кўникмасига эга бўлиши лозим.

Тўртинчи тамойил: Шароит. Ўқитишнинг кредит-модуль тизимида олий таълим муассасаларининг кафедралари зиммасига энг кўп вазифа тушади. Шу жиҳатдан ҳар бир кафедрада ўқув фанларини танлашга кўмаклашувчи Тартиб ва Ишсчи гурухнинг мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ишчи гуруҳ мунтазам равишда кафедра ўқув фанларини танлашга доир методик тавсияларни шакллантириб боради ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1095-1099

вертуал тарзда талабалар билан фаол ишлайди. Бунинг натижасида мажбурий ва танлов фанларини танлаш жараёни қулайлашади. Шу жиҳатдан ҳар бир кафедра ўз фаолиятини самарали бўлиши учун талабалар билан кенг ҳамкорлик қилиши керак.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Эътибор берилса, ўқитишнинг кредит-модуль тизимида фанларни танлаш, ўзлаштириш ва ўрганиш жараёни профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг тенг ҳамкорлиги, фаоллиги ва самарали мулоқотлари асосида юзага келади. Шу сабабли ҳар бир кафедра аъзосининг фаол бўлиши тақозо этилади.

Ўқитишнинг кредит-модуль тизимида мажбурий фанларни тайёрлаш ва талабага тақдим этиш олий таълим муассасасининг вазифаси ҳисобланади. Шу сабабли мажбурий фанларни тайёрлашда энг сўнгги технологияларга асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади[3]. Бундан ташқари, мазкур тизимда энг мураккаб масала талабанинг танлов фанларини танлашидадир. Шу сабабли кафедра томонидан танлов фанларини тайёрлашда кўпроқ янги маълумотлар, методлар ва технологияларга таяниш кутилган самарани беради. Мисол учун, “Педагогик маҳорат” фани танлов фани ҳисобланади. Талаба мазкур ўқув фанини танлаши учун унинг асослари, ўқитиш методлари ва технологиялари ҳар ўқув йили бошида қайтадан такомиллаштирилган тарзда тайёрланиши керак. Бундан ташқари, фанининг масъул профессор-ўқитувчилари ушбу танлов фанининг педагог касбида муҳим ўрин тутишини тушунтириши шарт.

Зеро, ўқитишнинг кредит-модул тизимида ўқув фанларини танлашга доир методик ишланмалар, тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Шу жиҳатдан бизнинг фикримизча, ҳар ўқув йили бошлангунга қадар бир ой олдин ўқув фанларини танлаш тадбирини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Умуман ўқитишнинг кредит-модул тизими таълим берувчи ва таълим олувчининг тенг фаоллигига асосланади. Шу жиҳатдан таълим

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1095-1099

берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам бутун ўқув йили давомида ўзи устида ишлаши тақозо этилади.

REFERENCES

1. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”. // www. ziyonet.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. // www. ziyonet.uz
3. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модул тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. –Т., 2020.